

КПСС Марказий Комитети июнь Пленуми қарорлари — ҳаётга

КОНКРЕТ ИШЛАР ПРОГРАММАСИ

қилинган.

Тўғри, меҳнат унвормдорлигини ошириш, мусобақани ҳар томонлама ривожлантириш ҳақида бутунгина таъкирлаётгани йўқ. Бироқ сўз таллаблари асосида назар ташласак, бутун ишларимизнинг асосий омиллари ана шулар эканлиги ишонч ҳосил қиламиз. Фан-техника тараққиётини жадаллаштириш, ҳалқ ҳўжаллигини янги техника асосида реконструкция қилиш, ишлаб турган қувватлар ва машиналардан унумли фойдаланиш, ишлаб чиқаришни пухта ташкил этиш, маҳсулот етказиб бериш интизомини мустаҳкамлаш, иш жойларини аттестация қилиш, меҳнатни рағбатлантириш, илгор тажрибаларини ёйиш, мусобақада сифат кўрсаткичларига эътиборни қаратиш ва бошқа жуда кўп жиҳатларга эътибор қаратилгани, бундан бундан, коммунистлар жуда тўғри деб ҳисоблаймиз.

Бутунги кунда барча қотиб қолган, ески форма ва ме-

тодлардан воз кечиш, уларга қарши тинимсиз курашиш, янги илгор ташаббусларни эса ўз вақтида қўллаб-қувватлаш, КПСС Марказий Комитетининг Пленумида ва Мурожаатномада олдимизга қўйилган вазифаларни изчил амалга ошириш учун курашиш ҳар биримизнинг умуий иш учун масъулиятини ва бир-биримизга бўлган талабчанлигини янада оширишни тақозо этади.

Мен ҳаминша ўз зиммамдаги мажбуриятларни ошириб бажаришга интилиб келаман. Ўтган беш йилликда икки беш йиллик топириқни муваффақиятлик эдо этган эдим. Ўн иккинчи беш йилликнинг тўғри йилдошларидан ўзиб ишлашга ҳаракат қилдим. Меҳнат ютуқларим чакки эмас. Аммо ютуқлар билан кифойланганимиз бизга мутлақо ёт. Ўнг аввало маҳсулот сифатини ошириш ҳамда иқтисод ва тежамкорлик учун курашни кенг тус олдиришимиз лозим. Тўғри, биз мураккаб панеллар ва бошқарув пульталарини мон-

таж қиламиз. Топириқни ҳатто икки ҳиссадан зиёд бажаришга эришаймиз. Мураккаб схемаларни тўғри тушуниш учун билим кераклигини ҳис эдим. Электр техника техникумида олган билимим ҳозир қўл келаяпти. Маҳсулотларини фақат олий сифатда топириқман. Буларни техника назорати бўлимига топириқ хўқуқи берилгани, бу ишончини мана бир неча йиллардан буён оқлаб келаяман.

Иккинчи муҳим масала бу тежамкорликдир. Бизнинг ишимизда бу аниққа муҳим аҳамият касб этади. Ҳар кун бошқарув пульталарини ва панелларни монтаж қилаётганда ўртача 300 метрга яқин сими сарфланади. Агар ҳисоб-китоб аниқ олиб борилса, ҳар бир ишчи ўз ишига масъулият билан ёндашса, бир сменада 5—7 метр сими тежам қилиш мумкин. Масалан, менинг ўзим ҳар ойда салкам 150 метрлаб сими тежам қилган кезларим кўп бўлган. Ана шу тариқа фақат тежамкорлик ма-

териал эвазига ишлаган кунларим бўлди. Агар монтаж участкасида ҳар ким ўз ишига КПСС Марказий Комитети қўйётган талаблардан келиб чиқиб масъулият билан ёндашса, меҳнат ютуқларини билимим ҳозир қўл келаяпти. Бизнинг участкада 20 дан зиёд ишчи меҳнат қилади. Улар орасида шогирдларим ҳам бор.

Мен айни пайтда жамоат топириқини ҳам виждонай бажаришга интилайман. 13 коммунистдан иборат партия группасига етакчилик қиламан. Биз шу кунларда уларнинг ҳамма соҳада етакчилик ролини кўчатиришга, олдимизга қўйилган вазифаларни ҳал этишда намуна бўлишга даъват этаймиз.

Л. ВАЛЕТОВА.



Республика озиқ-овқат саноати министри-корхона муваффақиятларига самарали и улуш гига қарашли тажриба-механика заводида кўшиб келмоқда. СУРАТДА: Юрий Запругаев шогирди 4 Олег Запругаев билан иш устида. Т. Каримов фотоси.



СОВЕТЛАР ҲАЁТИДАН

Жадаллаштириш йўлидан

КПСС XXVII съездида социал-иқтисодий тараққиётни жадаллаштириш вазифаси қўйилди. Унинг ҳал қилиниши кўп жиҳатдан демократияни такомиллаштириш, социалистик ўз-ўзини бошқаришга ўтиш билан боғлиқдир. Бу ерда Советларнинг иш усулларидан самарали фойдаланиш лозим бўлади. Айниқса ишлаб чиқариш депутатлари группаларининг фаолиятини такомиллаштириш муҳимдир.

Ҳозир шахримиздаги саноат корхоналари, транспорт ва қурилиш ташкилотларида 72 та ишлаб чиқариш депутатлар группаси фаолият кўрсатмоқда. Уларнинг кўплари яхши ташаббусларни бошлаб, оммаи ижодкорликка ундамоқда. Бунга «Таш-селимаш» заводидаги ишлаб чиқариш группасининг фаолиятини мисол келтириш мумкин. Ўн бир кишидан иборат группага кўп йиллардан буён Ҳамза район Советининг депутати Зинаида Павлова Зотова раислик қилиб келмоқда. Группа аъзолари асосан новатор, ташаббускор ишчилардир.

Ҳозир заводда реконструкция ишлари амалга оширилмоқда. Ишчи ва хизматчиларга маънавий хизмат кўрсатиш тубдан ўзгармоқда. Бунда албатта депутатларнинг салмоқли ҳиссалари

бор. Улар заводнинг ишлаб чиқариш ва социал ҳаётини доимо эътиборда тутишмоқда. Ингилишларга ҳўжалик раҳбарлари мутахассисларни таъкил этиб, уларнинг амалга оширган ишлари ҳақидаги ахборотини тинглашмоқда. Гапнинг моҳияти фан-техника ютуқларини жорий этиш, механизациялаш ва автоматлаштиришнинг жадаллаштириш, робот, манипуляторларни ўзлаштириш ва кенг истеъмол бўюмлари ишлаб чиқаришга қўйилтиришдадир. Яқин келажакда корхонада 54 та робот жорий этилади. Ўн иккинчи беш йилликда эса 230 та робот цехлардан жой олади. Улар ишчи кучларидан бошқа юмушларни бажаришда фойдаланиш учун шароит яратилар.

Депутатлар меҳнат ва ишлаб чиқариш интизомини мустаҳкамлаш билан боғлиқ масалаларни ҳал этишда актив қатнашишмоқда. Жумладан, улар партия комитетини комиссияси билан иш жойларини аттестациядан ўтказишда қатнашадилар. Уларнинг таъкилфига қўра планларга иш шароитини, дам олишни яхшилаш билан боғлиқ тадбирлар киритилди.

Депутатлар ҳўжалик ва тарбиявий ишларда ҳам бевосита иштирок этишмоқда. Улар бригада усулини жорий

этишда ташаббус кўрсатиб ишламоқдалар. Ҳозир корхонадаги 90 процент ишчилар бригада пудрати асосида меҳнат қилишапти. Коллектив ўртасидаги социалистик мусобақани авж олдиришда ҳалқ вакиллари намуна кўрсатишмоқда. Корхона ишчи ва хизматчилари КПСС Марказий Комитетининг июнь Пленуми қарорларини ҳаётга жорий этиш учун социалистик мусобақани тобора авж олдиришмоқдалар. Бу ишда Ҳамза район Советининг депутати, Ўзбекистон Компартияси XXI съездининг делегати, 14-цехдаги комплекслек бригада бошлиғи О. Карпова, 28-цех йўнувчиси Л. Колтунова, 10-цех пресслочивши Т. Янина, Яковлева, 3-цех слесарь-йўнувчиси М. Ҳайдаров ва бошқалар алоҳида намуна кўрсатишмоқда.

Тошкент шаҳар Советининг депутати, Меҳнат Шўхрати орденларининг кавалери Юрий Иванович Степаненко фаолияти диққатга молиқдир. У корхонада биринчи бўлиб ўз имкониятларини ҳисоблаб чиқиб, ўз иккинчи беш йиллик шахсий топириқини В. И. Ленин туғилган кунининг 120 йиллиги кунига қадар бажаришга аҳд қилди. Унинг бу ташаббуси барча ишчилар, бригада ва сменада маъқулланди.

Шундай қилиб, корхонада меҳнат унвормдорлигини оширишнинг яна бир омили ву-жудга келди. «Кизил тоғ» ишлаб чиқариш бирлашмасидаги депутатлар группасига тикувчи-мотористка Л. Мишченко етакчилик қилади.

Коллективимизда план ва топириқларини бажаришга виждонай ёндашиш қарор топан, — дейди у, — бунда депутатлар аниққа масъулият кўрсатиб ишлашмоқда. Улар ўз ишларига танқидий баҳо бериб ютуқларини муназаам бойитишга эришмоқдалар. Ишлаб чиқаришда намуна кўрсатиш билан бирга ёшларга касб сирларини ўргатиш, илгор тажрибаларини оммалаштиришда ҳам жонбозлик кўрсатишмоқда.

Лидия Андреевна корхона хўнар-техника билим юрти битирувчиларига устозлик қилишни ўз зиммасига олган. У эртага дастгоҳ олдиға туриб иш бошлайдиган ёшларга касб сирларини ўргатишга мўқаддас бурчи деб билади. Уларда касб билан фахр-ланиш тўғрисида шакллантиришга, план ва топириқларини бажариш учун масъулият ҳиссини таркиб топиришга эътибор беради. Унинг ташаббуси билан И. Ганди номидagi маданият саройида хўшёрлик клуби ташкил этилди. Клуб аъзолари шан-

ба ва яқинба кунлари бир пиёла чой атрофига тўпла-лариб дам олишади. Тажрибаларини ўртоқлашадилар, ўзларининг қўзиқчиларига мос бўлган тўғаракларда иштирок этишади.

Ленин район Советининг депутати З. Лебедева бирлашмадаги меҳнат ва ишлаб чиқариш интизомини мустаҳкамлаш комиссиясининг аъзосидир. У рейдларда муназаам иштирок этиб, камчиликларни аниқлаш ва бар-тавраф этишга салмоқли ҳисса қўшмоқда.

Бунда маданият-оммавий ва спорт ишларининг омма-лаштиришнинг моҳияти кат-тир. Бу масалани ҳал қи-лишда район Советининг депутатлари М. Иброҳимова ва М. Холлиқназаровлар фаол қатнашапти. Улар ёшлар-ни маданият саройидаги ба-диий тўғаракларга жалб қи-лишда жонбозлик кўрсатиш-моқда. Ишчи ва хизматчи-ларнинг дам олишини маз-нини ўтказишга ҳисса қўш-яптилар. Театр ва музейлар-га коллектив бўлиб боришни ташкил этишмоқда. Уруш қатнашчилари, ишлаб чи-қариш илгорлари билан учра-шувлар ташкил этишмоқдалар. Мурабийлар, ишлаб чиқа-риш илгорлари, рационали-заторларнинг сўзларида, касб маҳорати кўрик-кон-

курсларида актив иштирок этишмоқда. Ўзбекистон ССР Олий Советининг депутати Д. Умарова ва Ленин район Советининг депутатлари Л. Прудко, М. Аловутдинова ишчи ва хизматчиларга пра-тиллаётган маънавий шароитни доимо диққат марказида тутишмоқда. Жумладан, транспорт масаласининг ҳал қилинишида уларнинг ҳисса-си катта бўлди. Уларнинг талаби ва таъкилфи билан ишчи ва хизматчиларини ик-кинчи сменадан сўнг уйла-рига элтиб қўйиш ташкил этилди. Транспортнинг йўқ-лиги учун 350 ишчи смена-дан бир соат олдин чиқишга мажбур бўладилар. Жуда кўп иш вақти беҳуда кетарди. Ҳозир бундай камчиликка бўшунлай барҳам берилди. Депутатлар хўшёр турмуш тарзи учун олиб борилаёт-ган курашда ҳам актив иш-тирок этишмоқда.

Хуллас, ҳалқ вакиллари ўзларининг асосий вазифа-ларини бажаришда намуна кўрсатиш билан бирга кол-лектив, ҳалқ томонидан бил-дирилган ишончини ҳам оқ-лашда намуна кўрсатишмоқда.

Г. АБДУКАРИМОВ, Тошкент шаҳар Совети ижроия комитети ташкилий-инструкторлик бўли-мининг инструктори.

ОДАМЛАР РАҲМАТ ДЕСИН

Чилонзор район «Автодормехба-за» широкти шифери, Тошкент ша-ҳар Советининг депутати Абдух-мид Азимов шахримизнинг озода ва саринта бўлишини таъминлаш

нинг пайдо бўлиб қолиши фақат аҳолининг эмас, биз-нинг ҳам гашимизга тегади. Ана бир нарсаси. Маълумки, Тошкентни коммунистик меҳ-нат, юксак маданият ва на-мунали жамоат тартиби ўр-натилган шаҳарга айланти-риш ҳаракати бошланган. У жуда катта фойда бер-пти. Тез-тез шаҳар билан я-қинлашиб қолган ва кўп-сон-ли аҳолининг ўтказиш ода-ти тусига кирди. Аммо, бир ҳафта ўтмасдан ирригация шохобчалари, кварталлар оралиғидаги бўш жойлар яна ахлатга тўлиб қолаёт-ганлиги ачинарли ҳолдир. Бу муаммони ҳал қилиш лозим. Бунинг учун шаҳарни микроайонларга акратип лозим. Ана шунда тартиб-сизлик учун жавабдор ташки-лот вужудга келади. Ҳозир эса бундай ташкилот йўқ. Шу боис тартибсизлик учун аҳоли айбдорек бўлиб қол-моқда. Айни пайтда аҳоли-нинг ўзи широкти ёзати. Район Совети ижроия коми-тетлари, уй-жой бошқарма-лари, маҳалла комитетлари бу муаммони ҳал қилиш йўл-ларини топишлари керак.

Касбинига меҳрингиз, намунали тартибни вужудга келтириш учун жон кўйи-даётганингиз таҳсинга сазо-вор. Бирок тасодиқ ёки му-лоҳаза билан тақис мани-наси берилса, ҳайдармиди-гиз?

— Йўқ, Ҳар бир киши, оила ўз уйини озода ва са-ринта сақлашга ҳаракат қилади. Шаҳримиз эса ҳам-мамизнинг уйимиз. Унинг ҳўжаллиги, таъиниши катта. Ариқлардан эйлол сув жил-диллаб оқаётганини, боғ ва ҳибоблардаги дарахтлар соясидаги ўриндиқларда ҳор-диқ чиқараётган чол ва кам-пирлар, бир-бирига дил рози-ни айтаётган йигит ва қиз-ларни кўрганимда юрагим беҳтирер заъқа тўлади. Бу

нинг устига ишхонам олди-да бурчилман. Шу ердаги камтарин хизматим учун эл-га танилдим. Икки марта район, уч марта шаҳар Со-ветига депутат этиб сайлан-дим. Тўрт хонали уй олдим. Етти фарзандни тарбиялаш-да қийинчилик сезаётганям йўқ.


— Ўзингиз гап очиб қол-дингиз. Фарзандларингизни ота касбинини эгаллашга даъ-ват қилаётган бўлсангиз ке-рак?

— Ростини айтганда улар-дан миннатдорман. Ҳаммаси «Э» га ўқийади. Ҳар йили тўртинчи чорак якунида мак-табга бораемиз, ўқувчилар кўпчилиги олдида бизга раҳ-мат айтишади. Фарзандлари-мишга фахрий ёрлиқ топи-ришга, Аммо биронтасини ҳам шиферликка даъват эт-мадим. Ҳазон, давр ўзгар-япти. Касбин ўзлари танла-гани яхши. Тўғричизми — Абдумажид политехника ин-ститутининг нефть ва газ факультетида ўқийпти. Ке-йингиси — Гулҳеҳра билим юртида тикувчиликни ўрган-моқда. Бошқаларини ҳам ўз-хонига қўймоқчиман. Ахир, улар раҳмат келтиришяп-ти-ку!

— Сиз ҳақсиз. Ҳаммамизнинг қўнлини қувонтириш, раҳ-матини эшитиш осон эмас. Хизмат пайтида ҳам ана шу бир оғиз ширин сўзини эш-ти-ганимиз?

— Мақтанчоқлик қилипти, демак, дейрли ҳар кун и-одамлар раҳмат айтишади. Биринчидан, уларнинг ҳам-маси танишади. Интирма йилдан буён тоғ саҳарда учрашамиз. Вақтида кел-ганим, қўлидаги чеканик бў-ша-ти берганим учун миннат-дор бўлишади.

Сухбатни
М. ОТАХОНОВ
ёниб олди.



Тошкент шаҳар Советининг депутати Комил Мухитдинов-нинг юзларида табассум. У ўз корхонаси — «Компрессор» заводи коллектив эришмаётган зафарларга мўносиб ҳисса қўшаётганлигидан мамнун.

Ана шундай хурсандчилик, меҳнат нашидасини дилдан ҳис қилиш «Чевар» тикув ишлаб чиқариш бирлашмасининг 4-цехи тикувчилари Мунира Ҳасанова ва Маъмура Юсуповаларга ҳам хосдир. Улар замонавий кийимлар тайёрлашда алоҳида намуна кўрсатиб ишлашмоқда.

М. Нуриддинов ва Э. Зоҳидов фотолари.



ДУНЁ ХАВАРЛАРИ
ТАСС ВА АПН МЎХБИРЛАРИ ЁЗДИЛАР

Совет мусулмонлари

делегацияси Ливияга келди

● ТРИПОЛИ. «Ислом даяъати» жамаити бош секретариатининг таъкилфига биноан СССР Европа қисми ва ва Си-бирь мусулмонлари диний бошқармасининг раиси муфти Талғат Тоқуддин бошчилигидаги совет мусулмонлари делегацияси Ливияга келди. Делегация бошлиғи ЖААНА агентлигининг муҳбири билан суҳбатда Қўшма Штатларнинг Ливия ҳалқига қарши ваҳшиёна агрессиясини кесексин қоралаб, бу агрессия Вашингтон ўтказётган жаҳондигир-лик сисёатининг яна бир кўриниши эканини ўқитириб ўтди. У Америка империализмининг макрли режаларига мамато-нат билан қарши турган Ливия жамахирийси библиан қатъий бирдамлик изҳор этди.

Совет мусулмонлари делегацияси билан «Ислом д даяъати» жамаитининг бош котиби Мухаммад Аҳмад Шағариф бошчилигидаги жамаит делегацияси ўртасида музокара-лар бошланди. Муфти Т. Тоқуддин Совет Иттифоқидидаги мусулмонларнинг ҳаёти ҳақида, уларнинг ядро уруғуни хавфига қарши, бутун дунёда тинчлик ўрнатиш учун кураши тўғрисида гапириб берди.

Қўрбошиларнинг Вашингтондаги йиғини

● КОБУЛ. Бахтар агентлиги Афғонистон аксидининг-лобчи қўрбошиларни президент Рейган қабул қилганлиги-га қарши қатъий норозилик билдирди. Империялизм-нинг тумашталари, дейилади бу ерда тарқатилган баёнёт-да. Ўз эгалардан навобатдаги миллион-миллион долларлар тул ва қурол-арғорлар сўраб Оқ уй ёниги турмушларини буюмоқда. Америка маъмуриятининг бошлиғи ва АҚШ-нинг бошқа юқори мансабдор вакиллари эса қўли о оч-чилик қилмоқдалар. Босмачилар шу пуллар ва қурол-ар-ғорлар ёрдамида қотиллик, диверсиялар уюштиришмоқдалар, Афғонистоннинг тинч аҳолисини ўр-йинит қилмоқдалар.

Аммо бу сафар, деб таъкиллайди Бахтар агентлиги, Вашингтонда қўрбошилар визитига «расмий тус» берери-га ҳаранат қилишди. Босмачиларнинг вакиллари конгресс аъзолари билан учрашмоқчи, Арлингтон қабристонидида гулчамбарлар қўйиш маросимида қатнашмоқчи эканили-лари маълум қилинди. Мана шу томошанининг ҳаммаси афғон контрреволюцияси янада кенг-роқ қўламда қўллаб-қувватланишини таъкиллаш учун бир қанча мамлакат-ларда расмий ваколатхоналар таъсис этишда босмачи-ларга ёрдам беришдан иборат бирдан-бир мақсадни кўз-лайди.

АҚШ, дейилади баёнотда, босмачиларга маслаҳатлар бериб, афғон диёрда террорчилик ҳаракатлари ва дивер-сияларни қандай қилиб яхшироқ ва муваффақиятлilлilроқ ўтказиш, революцион тузум негизларига путур етказиш тўғрисида «таъкиллар» бермоқда. Президент Рейган а бос-мачилар билан қилган суҳбатларида АҚШ Афғонистон контрреволюциясини ҳар томонлама қўллаб-қувватлаёт-ганлиги ва унга гоят катта қўламда ёрдамлар беравериш ниятида эканлиги оқиқ-равшан ишора қилди.

Афғон ҳалқи душманларининг Оқ уйда қабул қилини-ши АҚШ маъмуриятининг Афғонистон диёрда тинччилик ўрнатилдан маъфадорлиги тўғрисида берган баёноти унинг конкрет хатти-ҳаракатларига тамомил эид ёнан-лигини кўрсатди. Босмачиларга сисёи, молиявий ва а ҳар-бий ёрдам қўйилтириладиганлиги мокарони сисёи 3 йул билан бартафрат этишни қийинлаштириб, холис, деб 5 таъ-килланади Бахтар агентлигининг баёнотида.



Микроскопларга қизиқиш ортмоқда

● Ўзро Иқтисодий Ер-дам Кенгашига аъзо бўлган мамлакатлар ўртасида Со-вет Иттифоқининг электрон аппаратурига бўлган ҳўж-ёж тобора ортмоқда. Жум-ладан, Гуинияи Социалистик Республикаси ҳам қуввати 200 минг марта кўп бўлган микроскопларнинг биринчи туркуминин қабул қилиб ол-ди. Бу микроскоплар мам-лакат илмий-техникин ин-ститутлари ва лаборатори-яларида кенг қўлланилаёт-ир. Янги кунларда ана шундай микроскопларнинг яна бир неча туркуми жўнатилади.

Ойгада пиёда...

● Намч, уездидида Жил-ов қишлоғининг яшовчилари елкасига почта сумкасини илби олган Некулае Вака-руни ҳар кун бир неча

Қайиқдаги саёҳат

● Янгузи дарёсини кезиб чиқиш осон эмас. Аммо Сичуан вилоятининг кино-фабрика ишчиси, элекстро-станция хизматчиси яна Пе-кинда яшовчи ишчи буюк эштининг ўз олдларига а маъ-сад қилиб қўйишти. Улар бу иш осон эмаслигини яхши билишарди. Чунки ўтган йили 34 ёшли фотограф а на шу мақсад билан дарёи то-мон йўл олганида, афсуски сува қайиғи билан гарқ бўлганди. Шунга қарамай, 200 даъвогарлардан энг ях-шилар — ана шу уч 6 боти-р широб билан йўлга чиқиш-ди.

Сўнмас у кунлар шухрати

Барча эллар истаги

ХАЙР, НАВҚИРОН
МОСКВА

Лаънати урушин эсласам жанг жадалда ўтган муҳим оғир кўз ўнгимда намоён бўлади. Чунки уруш бошлангани мен илк бор Малева шаҳарчасида эшитганим. У ерда Итифок ёзувчилар соҳибини Москва атрофидаги иккинчи ўйда олиётган эдим. Гитлерчилар 1941 йилда Москвада қилар ишларни қилиб қўйган, деган узун қулоқ гаплар қулоғимга чалиниб турарди.

Пойтахтга қайтган, ҳайтовур миш-мишлардан фори бўлдим. Энди бўш қолдим дегунча шаҳар айланмади. Уруш асоратидан муҳофаза қилинган шаҳри азиямга ҳайратомуз боқмади.

Шаҳарнинг гарбий-жанубий осмонидан душман ҳамласи— ҳаво ҳужумига қарши дирижаблар кўтарилган. Улар тўғ оқ уруғ қовуларини кўк гумбазга осиб қўйган каби муаллақ қимир этмай турди. Кўчалар, уйлар, катта-кичик бинолар, қоронғиликтан, уринган суринган таксилар, қора рангли «Эмка»лар, уёқдан, буюққа қириллаб ўтиб турарди. Қурол-аслаҳалар ортган ҳарбий машиналар колонна-колонна бўлиб фронтга йўл оляпти. Ҳа, тинимсиз шаҳарда кеча ва кундуз аҳвол шу. Қайси илора, завод, фабрика, магистраль кирманг, беҳаловат одамларга рўпара келасан киши. Ўқинчи пилдалар шарпаси тез-тез қулоққа чалинади. Саф-саф бўлиб бораётган солдат ва офицерларнинг уст-бошларидан ранг-баранг тугмалари Москва оқшомида кўнатилади. Иккинчи даражасидаги Итифок кўнгаларга ўхшаб ял-ял кўзга ташланади.

Бу нохотиржамликдан Тошкент сафарига отландим. Қандай қилиб Қозон вокзалига келиб қолганимни билмайман. Бу ерда тўда-тўда бўлиб сўбатлашиб турган поштахонли ёзувчилардан А. Толстой, Н. Погодин, Илья Ершенбург ва бошқа ёзувчиларни (исм шарифлар эсимда йўқ) кўриб қолдим. Аммо ҳузуриларига бетилаб боришга йўл йўқ. Кейин билсам улар Тошкентда иш-тиюмат қилишни дилларига қўйган, Москва— Тошкент поездини куттиришга экан. Қалам соҳиблари билан ҳамроҳ бўлганимдан бошим осмонга етди.

Поездимиз ниҳоят кечга томон жойидан қўзғалди. Устозлар вагон деразаларида кўчаларини чиқариб, кузатувчилар билан хайр-хўшлашди.

— Хайр, навқирон Москва, биз сен билан бирга!

ТАВАККАЛЧИГА

ЎЛИМ ЙЎҚ!

... Ил ўтар-ўтмас фронтга йўналишда ҳақида буйруқ бўлганини айтишди. Мен командири бўлган 45 миллиметрли тўп взводу каттик жанглардан сўнг, Брянский фронтга қарашли 5-ўқинчи дивизиясининг 142-полки жанг олиб бораётган Ока дарёсининг ўнг қирғоғига қўйилди. Бу пастбаданди қир ва тепаликларда Ока дарёсидан шаҳарларни бўсағасидан Городишче аҳоли пункти учун шиддатли

жанглар борарди. Гитлерчилар бизнинг минггаб пилда аскарларимиз ва техника воситаларимизга зарба бериб, бўлима ва қисмларимизнинг олға силжишига тиш-тироқлари билан қаршилиқ кўрсатарди.

Биз, учинчи ўқинчи батальон икхтиёрга берилган артиллериячилар очик позициясига чиқиб, душман пулемет нуқталарини тор-мор қилишга аҳд қилдик. Афсуски вақт тигиз, таваккал қилишдан бошқа чора йўқ. Ҳа, жанггоҳларда икки йилдан бери жон олиб жон бераётган бир пайтда командири қатъий кўрсатмаса, солдатларнинг ҳолига воя дей-



веринг! Ахир, уруш деб қўйилди бунга! Сен фашистни ўлдирмасанг, у сени ўлдирарди.

Хуллас, туң бўйи жанглар позицияларини мустаҳкамладик. Айна сўхидамда даб-дурустдан ҳужумга ўтиб, тезкорлик билан тўплардан бир йўла ўт очдик. Ока ва Зуша дарёлари бир-бирига туташган жойдаги сув сатҳи қип-қизил қонга бўялди... Қўшинларимиз дарҳол илгариллаб кетишди. Артиллериячиларнинг бу тўп жанги ҳақида армия, фронт жаҳонга хабарларидан «Таваккалчига ўлим йўқ!» деган хабар ва жанговар варақалар босилиб чиқди.

Ҳатто Брянский фронти жангчиларининг довури 1943 йилининг 5 августидан 6 августга ўтар кечаси бутун дунёда акс-садо бериб, Москва томонда галабақор совет қўшинлари шарафига биринчи бор салют гумбуради. Ўшанда, 5 август кечки пайт Москва радиоси соат 11 билан 11.30 минут орасида муҳим хушхабар бериш тўғрисида устма-уст огоҳлантирди ва ҳеч қанча вақт ўтмай дикторнинг овози янгради: «Орёл ва Белгород шаҳарларининг озод этилгани, жангту жадалларда мардлик кўрсатган, шу жумладан бизнинг 5-ўқинчи дивизияга «Орёл ва Белгород» номи берилгани маълум қилинди...»

ИККИ ХАТ

... Галабанинг қирқ йиллиги арафасида кечка журналист-ёзувчи, уруш ветерани, ҳамкасбим Мажид Самадовдан хат олдим.

«Мен Сизга иккита мактуб йўлладим. Илтимос: биринчисини кўргандин кейин иккинчи хатни очиб ўқинг.

Қамол эхтиром ила, адолий дўстлари Мажид Самадов. Москва, 1985 йил. Апрель.

БИРИНЧИ ХАТ

Изоҳга ҳолат бўлмаганидан бу хатни шундайлигича кўчириб ола қолдим.

Негаки, Мажидов ҳам ҳарбий архивдан айнан кўчириб олган бўлса керак.

«...Орёл ва Белгород бўсағасидан Городишче деган биринчи аҳоли пункти учун бўлган жанговар ҳаракатлар вақтида 1943 йилининг 13 февралдан 16 февралгача мўддат мобайнида М. Муҳамедов бошчилигидаги артиллериячилар бағоят мардлик ва жасорат кўрсатди. Бизнинг пилда қўшинларимиз ҳужум қилаётган жойда душмanning урта ўт очиб нуқтаси пулеметлари бўлиб, ўқ ёмири остида пилдаларнинг олдинга силжишига имкон бермаётган эди.

Иккинчи лейтенант М. Муҳамедов хатини хавф остида қолдириб бўлса-да, гошда тоқирлик қилди: душман артиллериясининг шаррос ўти остида ўз тўпини Ока дарёси соҳилига олиб чиқди ва очик позицияда туриб тўғри мўлжал билан душмanning ҳамма 3 та пулемёт нуқтасини яқсон қилди. Бу билан пилда қўшинларимизнинг олдинга тез силжишига имкон яратиб берди.

1943 йил 8 июндаги 014/Н сонли буйруққа асосан Мумтоз Муҳамедов «Насурдин учун» медали билан мукофотланди.

Бу мукофот ҳақидаги хабар «Ўзбекистон ижодий соҳаларининг Галабанинг 40 йиллигига бағишланган бирлашган йиллигида эълон қилинди.

ИККИНЧИ ХАТ

Мажид Самадов, бу хатда «Воениздат»да нашр қилинган «Қаҳрамон изидан» китобининг персонажларидан бири оддий солдат Никитев сибирлики, йўқми? деган саволимга изоҳ берибди. Ўқиб хурсанд бўлдим. Раҳмат!

Кейин марҳум қаламқаш дўстимиз Адхам Раҳмат изидан бориб, деярли ҳар йили бир маротаба Москва боришимни, СССР Муҳофаза министрилигининг Подольск шаҳридаги Марказий архивда ҳужжатларни ўрганаётганини айтибди.

Хуллас, хатни қайта-қайта ўқиб хурсанд бўлдим. Негаки, Мажид Самадов очик кўнгилли кишилар тоифасидан. У бирининг мушкуллини осон қилса, боши осмонга етди.

Немис-фашист газандаларининг иккинчи жаҳон урушини бошлаб, дунё халқлари бошига қўпгина мусибатлар солганига ҳам қирқ беш йил бўлибди. Кейинги хотираларим ҳам қирқ йиллик тарихга эга. Бир қарашда бу андакна узоқ мўддат.

Аммо, маъфур урушнинг дахллатли лаъзалари ҳамон кўз ўнгимдан кетмайди. Қонли жанггоҳларда ўтган ишларни билар кечмишини ҳикоя қилиб беришга қалам ҳам очиб. Урушдаги биродарлар ва суронли йилларни хотирларканман, фақатгина бир-бир қайтмадан кетмайди. Бу дахллатлар асло қайтарилмасин. Ёш авлод уруш нимадигани кўрмай ўтгани маълум. Бу фақатгина менинг эмас, барча эллар истаги.

Мумтоз МУҲАМЕДОВ.
Улуғ Ватан уруши қатнашчиси, ёзувчи.



САРАТОН КЎНГИЛЛИ ЎТСИН

Саратон чоғи бу — зарра шамол йўқ.
Тутлар қаватида мудар гурраклар.
Ногоҳон фалакка урган каби дўқ,
Сўзсиз қотиб турар бўйчан тераклар.

Абдулла ОРИПОВ.

Ёз фаслининг осмони тиниқ, кун қизигандан қизийди. Саратон кирган кунни янтоқ гуллабди, қамш попук чиқаради. Мевалар қиёмига етди. Пешин вақтларида салқин ҳарорат 42, ҳаттоки ундан ҳам юқори кўтарилади.

Одатда офтоб билан ошно киши унча-мунча касалликларга бўш келмайди. Бод, грип, зотилжам ундан нари юради. Аммо ҳар бир нарсанинг ўлчови бўлганидек, ташқи ҳароратнинг ҳам меъёри бор. Саратон сарани сарага, пучакни пучакка чиқаради, дейишди. Бу бежиз эмас.

Ҳарорат қанча баланд бўлса, сув бутлар ҳам шунча кўпаяди. Ҳаво босими пасаяди. Унинг қонга ўтиши, сингиши қийинлашади. Шунинг учун ҳам одам вужудида кислород танқислиги юзага келади.

Босимнинг ошишига олиб келади. Шунинг учун лозим бўлганда яшил ранггаги кўз-ойнақдан фойдаланиш керак.

Бадан кўп тер чиқарганидан қон, ҳужайра ва тўқималарнинг сувга муҳтожлиги тобора ошади. Қоннинг саксон уч процентини, мия, юрак, жигар ва мушакларнинг етмиш-саксон процентини, суякларнинг эса ўн беш-йигирма процентини сув. Демак, терлаб туришдан ташқари, баданда сув миқдорини сақлаб юриш ҳам зарур. Одам бир кунда тахминан салкам уч литр сув ичади. Сувнинг кўп миқдори суяқ оқитлар орқали истеъмол қилинади.

Сувни кўп ичиш ярамлайди. Кўп сув ичган одам бўшаши, бундай терлабди, юраги зўрқайди. Шу билан бирга, бадан қарама-қарши мулоҳазалар ҳам бор. Терлаш одамнинг ҳимоя қилиш механизми экан, уни иссиқликдан, қуёш энергиясидан бир мунча муҳофаза этиб турар экан, демак, одам сув ичишда ўзини чеклашаслиги керак. Бу шир кучли, соғлом ва чиниққан кишилар байроқдир, албатта. Чанковени босишга, айниқса кўк чой яхши. Юраги сустроқ киши айронни аччиқ яхна чой

- ◆ Ақл-заковат хазинаси
- ◆ Қуёш, ҳаво ва тоза сув—даво
- ◆ Эҳтиёт бўлинг, умр кушандаси.

Ёзининг иссиқ кунларида

Сиятини оширади. Баъзи юқумли касалликлардан, семирмиб кетишдан сақлайди. Мандарин, намурак, лимон, анор, олча шарбатлари, шунингдек, қизил сабзи ҳам шу хосиятлардан холи эмас. Поллиз экинлари ва ўл мевалардан кейин асло совуқ сув ичиб бўлмайди.

Қимиз шарбати ичимлик бўлибгина қолмай, чанқоқни қондириш, овқатни тез ҳазм қилиш хусусиятига ҳам эга. Музқаймоқ ҳам тўйимли, ҳам ташналикини қондиради. Квас эса бадандан қўлқон намининг ўринини тез босади. Ундаги аччиқ моддаси ҳам организм учун фойдали. Роҳати-жон қадимги ва энг оддий усулда тайёрланадиган яхна тамаддиладан берилади. Бунинг тайёрлаш учун ҳолодликниқдан олдинги муз қирлади, ликопчага солиб юзига шинини тозиллади. Кўриниши анор донасига ўхшаш қизил ялтироқ тамадди қосил бўлади, мазаси мева шарбатларидан тайёрланган музқаймоқни эслатади. Ёзининг иссиқ кунларида бунинг тавонул этган киши жуда ҳузур қилади. Роҳати-жон халқ табибатида дизентерия касаллигини қарши дори сифатида ҳам қўлланган.

Афсуски, баъзи кишилар ташналикини қондириш баҳонаси билан кўп пиво ичишга одатланиб қолмади. Кўп ва тез-тез ичилаб турган пиво юрак дорапарини кенгайтириб, кўркак қасасини қисиб қўлади. Бу ағоғолики ичимлик охири ичкиликбозликка олиб боради.

Иссиқ кунларда баданнинг айрим жойлари терлайди, би-чилади. Гигиена қондаларига риоя қилинса бас, терлаш зарар келтирмайди. Оёқ терла-ганда кучсиз формалини ёки марганцовали ванна, гальманин, борная қислота ёки оксидиқ тоқлонлари сепилади. Пайпоқ юмиб, алмаштириб қилинади.

Дам олиш кунлари саёхатга чиқиб, кўкаламзорларда, дарё бўйлари, тоғ ва шаршалар атрофида ҳордиқ чиқариш жисмоний ва руҳий озоишга бахш этадики, унинг наъзаси анча кунгача сақланади. Биланмики, бог-роғлар, тоғ-тошлар ҳавоси зарарли чиқиндилардан холи бўлади. Уларнинг ўрини организм учун фойдали ифтор мойлар, муаттар ҳаво осонлик билан ўпкага йўл топади, киши бехтиёр чўқур-чўқур нафас олади. Аввало қон, сўнг қон орқали бутун тўқима ва ҳужайралар кислород танқислигидан холи бўлади. Шаршалар атрофида ионли сув заррарчалари бўлиб, кишининг бахри-диллини очади. Беморлар шифо топади, куч-қувват олади. Тоғ бағрида ёмғир томчиласа, момақалдиқроқ бонг урса, унинг заққи билан киши руҳи тобланади.

З. ЭГАМБЕРДИЕВ,
З. ЭГАМБЕРДИЕВА,
медицина фанлари кандидатлари.

Китоб
жавонингизга
ЎЗБЕКИСТОН ССР «МЕДИЦИНА» НАШРИЙТИ ҚЎНИДАГИ КИТОВЛАРНИ БОСМАДАН ЧИҚАРДИ:
Б. Х. ВАФОВУЛОВ,
Б. А. ШЕВЧЕНКО. «Имму-
нитет ва зардоблар». 16 бет.
Баҳоси 3 тийин.

Бу кичик рисолада турли юқумли касалликлар, уларнинг келиб чиқиш сабаблари, қўлланадиган дори-дармонлар, жонзодлар заҳарига қарши қўлланадиган зардоблар ҳақида тушуначалар берилган.

Д. ШАРИПОВА, Р. Т. ЗОХИДОВА, Л. М. СЕМИНОВА. «Ўқувчилар толиқ-қилишининг олдини олиш». 16 бет. Баҳоси 3 тийин.
Мазкур рисолада «Мактаб касалликлари» деб аталувчи хасталикларнинг олдини олиш, ўсиб келаётган ёш авлоднинг саломатлигини мустаҳкамлаш, ўқувчиларни меҳнатга, катта ҳаётга тайёрлаш ҳақида педагогларга, медресаларга, ота-оналарга ва жамоатчиликка аниқ-равшан маслаҳатлар тасвир этилади.

Р. Д. ГАВОВИЧ, Гигиена (дастлик). 304 бет. Баҳоси 75 тийин.
Атроф-муҳит, сув ва сув таъминоти, турар жой, меҳнат ва овқатланиш гигиенаси, даволаш-профилактика муассасалари ишларини планлаштириш масалалари муҳим омил бўлиб, булар дарсликда батафсил ёритилган.

П. С. СОВОЛЕВ. «Енгил-ташқил жазоси». 15 бет. Баҳоси 3 тийин.
Рисолада турли юқумли касалликлар, уларнинг оғир асоратлари, шунингдек ичкиликбозлик ва камандалик оғирлигини ашаддий душман эканлиги ҳақиди мисоллар асосида ифодаб берилган.

Билиб
қўйган яхши
Ораста бўлинг,
яхши дам олинг

Ёзининг ҳароратли иссиқ саратони бошланди. Бундай пайтда қуёш ёғдусидан қуийш, лоҳас бўлиш, саломатликка зарар етишидан жуда эҳтиёт бўлиш керак. Иссиқ кунларда, одатдагидек гигиена қондаларига—озода ва ораста бўлишга алоҳида эътибор бериш талаб этилади.

Биланмики, одам терисидан ёғ ва тер безлари бор, ўз навбатида буларнинг чиқариш йўллари бўлади. Одам танасини кир босса, чанг-чунг ўтириб қолса без чиқарув йўллари беркилиб, аэроэтанамиз яхши нафас ололмайд ва касалланади. Шунинг унутмай ҳар кун ювиниш, душ қабул қилиш айна мўддао бўлади.

Саратон кунлари кишининг ҳам эътибор бериш керак. Иссиқ пайтда суний толедан тайёрланган кишим-бош тана ҳароратини оширади. Яхшиисизда итгазлама, зигир толедан тикилган кишим-бош киши лозим.

Маълумки, оёқ ёзда кўп терлайди, бундай пайтда пой-афзалнинг бир резмер катта-роғини кийиб, пайпоқни ҳар кун алмаштириб турган маълум.

Саратонда кун иссини ўтказишда иш режимида риоя қилиш, сифатли овқатланиш, вақтида дам олиш, кечки салқинда сув сохилларда саёр қилиш, истироҳат боглари ва стадионларга бориш муҳим омил бўлади.

«Самарали меҳнат ва соғлом турмуш учун» Бутуниттифоқ рейди давом этмоқда

10. „ЁВУЗ ОҒУ“ СЎҚМОҚЛАРИ

Билмайин ичса заҳарни...

Бир пайтлар Ургут маркази дорихонасида ишлар эдим. Ҳар кунни қанда қилмай кечга яқин бир киши «Тройной одекосан» оларди. Қизикиб, уни нимага зарурлигини сўрасам, ғўс қишлоғида сартарош эканлиги, мижозлари шу атирини хуш ёқтиришларини айтди.

Кунларнинг бирида ўша сартарош дорихонага келиб яна ўша одекосондан харид қилмоқчи бўлганда, рўчаникка ўша тур одекосон йўқлиги, унинг ўрнига «Шиприни олишим тақдир этди. Мижоз негизда қалов-ланиб қолди-да, «Арзонроқ атир борми?» деб сўради. Йўқлигини билган, хушбўй сув — лосондан икки-тасини олиб кетди. Орадан кўп ўтмай, дорихонага бир киши ҳовлиқиб кириб келди-да: «Ердам беринглар, кўчада бир киши ўлаяпти!» деди. Қўлга дуч келган биринчи ердам ашё—дори-дармонларини олиб ўқини кириб келган тарафга югурдим. Чойхона ёнида бир неча киши ўраб олган жойда ерда қантарилиб ётган кишини кўрдим, бу ўша «сартарош» бўлиб, унинг ёнида тинчтилган лосон идишлари бўшаган ҳолда турарди.

ди. Тўғриси айтганда, аксарият эритувчиларнинг ранги, ҳиди спиртиники ўхшаб кетади. Ҳаёли ичкиликда бўлган кишилар техник суёқликларни ҳайдаш, филтрлаш, нейтраллаш воситаларини қўшиб билан улардан спиртин ажратиш олоқчи бўлишди. Бирок, кўр-кўрон «спирт» ажратиб олиш ниҳоятда қўйилмаси оқибатларга олиб келади. Бунинг дахли сифатида изтиробли ҳаётли воқеаларни келтириб ўқини лозим топдик.

Тажрибали 42 йилли дурадгор М. Химиявий воситалар сақланаётган омонбоз эшигини солаётиб, у ерда «спирт» турганлигини кўради. У тушлик вақтида омонбознинг кетганлигидан фойдаланиб, кўринишдан узум спиртига ўхшаб мултоқ қўр бўлиб қолади. Мазкур спирт қонга жуда тез сирилади, айниқса оқ қоринга жуда заҳарли таъсир кўрсатади. Метил спирти бошқа суёқликлар таркибига урса ҳам, ўзининг ниҳоятда хавфли-лигини сақлаб қолади.

Илмий-тадқиқот ишларида, лаборатория шароитларида

кўр бўлиб қолди... Метил спирти ўз кўриниши ҳамда ҳиди билан узум спиртидан фарқ қилмайди. У химиявий моддаларни эритувчи сифатида фойдаланилади. Метил спиртин баъзан метанол деб ҳам юртилади. У турли лак, бўёқ, эмал ва мастикаларнинг таркибига киратади. Метил спирти авиация, пойфазал, машина, радиоаппаратлар, сунъий чарм ишлаб чиқариш саноатида атрофчиқа қўлланади. Шунингдек, у суёқ ёқилғиларнинг оқтан даражасини кўтариш мақсодида фойдаланилади, антифриз таркибига қўшилади.

Агар, фавқулодда одам организмга 40-50 грамм метил спирти тушадиган бўлса, киши мултоқ қўр бўлиб қолади. Мазкур спирт қонга жуда тез сирилади, айниқса оқ қоринга жуда заҳарли таъсир кўрсатади. Метил спирти бошқа суёқликлар таркибига урса ҳам, ўзининг ниҳоятда хавфли-лигини сақлаб қолади.

Илмий-тадқиқот ишларида, лаборатория шароитларида

ми билан юритилувчи химиявий модда ҳам бир қатор соҳаларда ишлатилувчи заҳарли восита ҳисобланади. У техник суёқликлардан бири бўлиб, гидрогенроқ суёқлик бирикмаси таркибига киратади, қўпгина гидроавлик системаларда фойдаланилади. Этиленгликоль билан заҳарланиш ҳоллари ҳам учраб туради. У одам организмига тушса, биринчи навбатда марказий асаб системаси ва буйракка салбий таъсир кўрсатади. Шу билан бирга бу химиявий модда одамнинг бошқа система ва органларини (юрак, жигар ва бошқа) зарарлайди. Одатда 200-300 грамм миқдорда ичилган этиленгликоль кишини ҳалок этади.

Энг муҳим эслатаганимиз шуки, баъзи кишилар ўзларини билимдон ҳисоблаб уй шароитида узум, олхўри, олма, олча каби табиат неъматларидан вино тайёрлашади. Бундай ичкиликларда, нотўғри тайёрланган вино таркибидан инсон организмга ва ҳаёти учун ниҳоятда заҳарли бўлган моддалар ҳосил бўлиб қолади.



Ичкиликбоз: — Магазин қоровул шу ерда экан, битта лаққа байлиққа яримта арақ алмашаримкин!

Ш. Субхонов расми.

Ҳозирги вақтда саноат, киш-лоқ хўжалиги, қоплаверса ҳар бир хонадонда турли хилдаги суёқликлар ишлатилмади. Ранг-баранг бўйларнинг эритишда фойдаланиладиган техник суёқликлар, лаклар, антиденаторлар, антифризлар, термоз суёқликлар, доғлардан ҳоли қилувчи воситалар ва яна ҳо-надон хўжалигида асқотадиган бир қатор суёқликлар бор бўлиб, уларнинг аксарияти те-

содифан киши организмига тушадиган бўлса, нохуш ас-роти билан кишини заҳарлаб қўйиш мумкин. Хўжалик мак-садлари учун фойдаланиладиган техник суёқликлардан махсус эҳтиёткорлиқни талаб этувчи идишларига эга бўлади.

Шуни афсус билан айт-маки, баъзида ичкиликка ру-жу қўйган кишиларда спирт иси суёқликларини кўр-кўро-на ичиш ҳоллари учраб тура-

